

INTRODUCTION OF NEW INNOVATIVE TECHNOLOGIES TO THE EMERGENCY WARNING SYSTEM IN THE ANALYSIS OF INTERNATIONAL EXPERIENCE

Davurov B. A

Samarkand State Institute of Architecture and Construction,

4th year student of "Life safety"

Annotation

At the same time that emergencies are becoming a global problem, the international experience is gaining experience in introducing new innovative technologies into the emergency alert system and in mitigating the damage caused by emergencies.

Keywords. Warning, emergency, innovation, information technology, system, security, civil protection.

Кириш. Инсоният келажакка кадам қўяр экан, ўтган давр мобайнидаги совуқ урушлар, тинчлик даврлардаги қўлланилган оммавий қирғин қуроллар, турли кўринишдаги фалокатлар ва бошқа муаммоларни таҳлил қилади ва келажакда бажариладиган тадбирларни ҳар томонлама асосланган ҳолда белгилаб олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки ХХІ асрнинг бошлариданоқ хавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқариш жараёнининг мисли кўрилмаган юксак тараққий этган технологиялар билан таъминланиши, табиий ривожланишдаги айрим нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги атроф-муҳит тозаллиги ва иқтисоднинг барқарор ривожланишига таҳдид солиб турибди. БМТ нинг “Халқаро фуқаро муҳофазаси ташкилоти” ҳужжатларида “дунёда тараққиёт шиддат билан ривожланиб бориши билан ёнма-ён, хавф-хатар ҳам ортиб боради, шу боис барқарор ривожланиш кафолати бу фуқаролар муҳофазаси” дир деб ёзиб қўйилган [1]. Шунинг учун фуқароларни фуқаро муҳофазасига тайёрлашга алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади. Лекин йилдан-йилга сони ортиб бораётган фавқулодда вазиятлар, уларни бартараф этишга сарфланаётган иқтисодий харажатлар бундай хатти-ҳаракатнинг самарадорлиги пастлигини кўрсатмоқда ва алоҳида йўл тутиш кераклигини тақозо этмоқда: яъни содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдиндан башорат қилиш, аҳолини хавф ҳақида огоҳ этиш, уни олдини олиш ва ундан ҳимоялаш тадбирларига кўпроқ эътиборни қаратиш зарурияти вужудга келмоқда.

Усул ва услублар. Фавқулодда вазиятларда фуқароларни ҳимоя қилишнинг омилларида алоҳида ўрин тутадиган услуб - бу фуқароларни ўз вақтида огоҳлантириш ҳисобланади. Аҳолининг ўз вақтида хабардор қилиниши ва огоҳлантирилгандан сўнг 7-10 дақиқа ичида бошпана бериш имконияти одамларнинг йўқотилишини 90-85 % дан 4-7 % гача камайтиради. Шунинг учун фавқулодда вазиятлардан аҳолини ҳимоя қилиш яхши ташкил этилган хабар бериш ва огоҳлантириш тизимига боғлиқ. Айни пайтда

Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг фавқулудда вазиятларни табиати ва кўламига қараб жамоатчиликни турли усуллар билан хабар бериш ва огоҳлантириш йўлга қўйилган [2]. Масалан, смс хабарлари, телевизор ва радио, сиреналар.

Шундай бўлсада фавқулудда вазиятлар туфайли талофатлар анча кўп. Масалан, шу йилда Бухорода кузатилган кучли шамол ҳамда Сардобада юз берган сув тошқини фавқулудда вазиятларда аҳолини огоҳлантириш тизими юқори даражада йўлга қўйилмаганлигини кўрсатди. Бу вазиятда ким айбдор? Хабар бериш ва огоҳлантириш тизими орқали йўлга қўйилган воситаларга бефарқ инсонларми? Ёки барча огоҳлантириш тизимини одамларга юқори даражада етказиш тўғри йўлга қўйилмаганлигимиз? Мисол учун, Европанинг кўплаб мамлакатларида ўтган асрнинг биринчи ярмида ўрнатилган сирена тармоқлари ҳали ҳам қўлланилмоқда. Африка мамлакатлари ҳақида гапиришнинг эса ҳожати юқ. Буни олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2022 йилгача огоҳлантириш тизимларини ўрнатиш ва ривожлантиришни йўлга қўйиш бўйича ишлар олиб бормоқда. Шунинг ҳам ёдда тутиш керакки, огоҳлантириш тизими амалда Япония ва АҚШ мамлакатларида жуда ривожланган. Бу давлатларда огоҳлантириш тизими қандай йўлга қўйилгани билан қисқача танишиб чиқсак.

Японияда J-Alert (Zenkoku Shunji Keiho System) [4]– Японияда миллий огоҳлантириш тизими йўлга қўйилган. Бу тизим жамоатчиликни турли фавқулудда вазиятлар ҳақида тезда хабар бериш ва огоҳлантириш учун мўлжалланган. Япониялик экспертларнинг фикрига кўра 2011 йилги даҳшатли цунамидан сўнг огоҳлантирилган фуқаролар умумий сонининг 78 фоизи кўча эшиттириш тармоғи орқали, 5 фоизи телевидения ва радио орқали, 3 фоизи мобил қурилмада огоҳлантириш оладилар.

J-Alert – тизими сунъий йўлдошлар орқали ишлайди, бу эса раҳбарлар ва аҳолига маҳаллий оммавий ахборот воситалари ва сиреналар орқали тезкор хабар беришга имкон беради. Расмий маълумотларга кўра бу тизимда фуқаро муҳофазаси раҳбарларини огоҳлантириш 1 сонияда амалга оширилади ва фавқулудда вазият хавфи тўғрисида аҳолига хабар юбориш учун 4-20 сониягача вақт кетади.

Америка Қўшма Штатларида аҳолини фавқулудда вазиятларда огоҳлантириш тизими турли йўналишларда ишлайди. Биринчиси симсиз фавқулудда огоҳлантириш тизими (Wireless Emergency Alerts, WEA) [5]. Бу ваколатли давлат органлари томонидан мобил телефонлар ва мобил қурилмаларга юборилган фавқулудда вазиятлар тўғрисида огоҳлантирувчи матнли хабарлар ҳисобланади. Хабарлар фавқулудда вазият хавфи иақтида ишлашга мўлжалланган мобил алоқа антенналари орқали узатилади. Улар алоҳида сигнал ва тебранишларга эга, шунинг учун бошқа алоқа сигналлари билан аралашмаган ҳолда ишлайди.

Иккинчиси, IPAWS – Integrated Public Alert and Warning System тизими Федерал алоқа агентлиги, Федерал фавқулудда бошқарув агентлиги ва Миллий метрология хизмати томонидан бошқарилади.

Учинчиси, хавфли об-ҳаво воқеаларини (NOAA Weather Radio All Hazards, NWR) [6] доимий равишда хабар берадиган радиостансиялар тармоғи ҳисобланади.

Аҳолини фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш тизими юқори даражада йўлга қуйилган бу икки давлатда фуқароларни огоҳлантириш жуда қисқа вақт ичида амалга оширилиши, фавқулодда вазиятлардан жабр кўрадиган аҳоли сонининг кескин камайишига олиб келади албатта. Бу давлатлар тажрибасидан ўз тизимимизга жорий қилиш зарур бўлган биринчи масала ҳам шу аслида.

Олинган натижалар. Юқорида кўриб чиққан давлатларнинг фавқулодда вазиятларда аҳолини огоҳлантириш соҳасида амалга оширган ишлари ва ютуқлари кишини мушоҳада қилишга чорлайди. Агар бу давлатларнинг тизими билан ўзимизнинг тизимни солиштирадиган бўлсак анча катта фарқни сезиш қийин эмас.

Охириги вақтларда халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда мамлакатимизда аҳолини огоҳлантириш соҳасидаги ишлар бир мунча жадаллашмоқда. 2018-2022 йилларда амалдаги огоҳлантириш тизимини демонтаж ва модернизация қилиш, республика ва маҳаллий даражада аҳолини огоҳлантиришнинг автоматлаштирилган тизимини босқичма-босқич эксплуатацияга киритиш каби амалий ишлар бошланган. Бу ишлар 4 босқичда – объект, локал, маҳаллий ва республика даражасида амалга оширилиши режалаштирилган.

Бу тизим ахборот марказлари, терминал комплекслар, тақсимловчи автоматлаштирилган тизимлар асосида ишлайди ва оммавий телекоммуникация воситалари – мобил алоқа, радио ва телеведениа билан уйғунлаштириб, зарур ахборотни аҳолига тезкор этказиш имконини беради.

Хулоса ва тавсиялар. Ҳар қандай ишни амалга оширишдан олдин уни чуқур ўйлаб, атрофлича таҳлил қилиб, шундан сўнг ўз имконият ва салоҳиятидан келиб чиқиб бошлаш бу ишни мувоффақиятли бўлишини таъминлайди. Юқорида кўриб ўтган давлатларнинг фавқулодда вазиятларда аҳолини огоҳлантириш тизимлари маҳсус сунъий йўлдош тармоғи ва эрга асосланган ахборотни қайта ишлаш тизимидан иборат. Бу тизимларнинг таркибий қисмлари сейсмографлар, акселерометрлар, GPS сенсорлари, мобил алоқа тизимлари, кабел тармоқлари, оптик толали тармоқлар, радар станцияларини ўз ичига олади. Бу эса мамлакатимизда моддий техник базани, ахборот технологияларини ҳамда инновацияларни ривожлантириш зарурлигини тақозо этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ўз имкониятимиздан келиб чиқиб бу тизимга юқоридаги давлатлар тажрибасини жорий этсак, фавқулодда вазиятларда аҳолини огоҳлантириш ҳамда фавқулодда вазиятлар натижасида юзага келадиган талофатларнинг қисқаришига эришамиз албатта.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И. Ниғматов, М. Тожиев Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси. Тошкент-2011.
2. Kholikovich, D., & Razokova, M. (2020). Improving the Teaching of " The Safety of Life Activation" A Requirement of the Time. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 22(2), 81-83. Retrieved from <https://ijpsat.ijsht-journals.org/index.php/ijpsat/article/view/2200>
3. www.lex.uz
4. <https://centreforpublicimpact.org>
5. <https://t-mobile.com>
6. <https://fema.gov>